



Энг ёмон ўғирлик, киши ўзининг намозидан ўғирлашидир», - дедилар. Улар: «Киши қандай қилиб намозидан ўғирлайди?», дейишди. У зот: «У рукуъси, саждаси ва хушуъсини мукаммал қилмайди (мана шу намоздан ўғирлашидир)», дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Энг ёмон ўғирлик, киши ўзининг намозидан ўғирлашидир», - дедилар. Улар: «Киши қандай қилиб намозидан ўғирлайди?», дейишди. У зот: «У рукуъси, саждаси ва хушуъсини мукаммал қилмайди (мана шу намоздан ўғирлашидир)», дедилар.

[Саҳиҳ] [Ибн Ҳиббон ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда намозида ўғирлик қилганлар энг қабиҳ ўғирликни қилганлигини баёнладилар. Чунки одатдаги ўғри бошқанинг молини олиб, бу дунёда ундан фойдаланиши мумкин, лекин ўз намозидан ўғирлаган киши эса ўзини ажру савобдаги ҳаққини ўғирламоқда. «Ё Расулulloҳ, қандай қилиб ўз намозидан ўғирлайди», - дедилар. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рукуъ ва саждасини тўлиқ қилмайди», дедилар. У рукуъ ва саждани шошилиб бажарган ҳолда тўлиқ қилмайди.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65100>

